

АХБОРОТ МАНБАЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

Исамитдинова Раъно Рахимджановна

Profi University талабаси

E-mail: r.isamitdinova@yandex.ru

Илмий рахбар: Махмудова Ойбарчин Ахатовна

Profi University

«Мактабгача, бошлангич таълим»

кафедраси п.ф.ф.д (PhD), профессор в.б.

АННОТАЦИЯ: *Мазкур мақолада ривожланган замонда яшаётган инсонлар учун зарур бўладиган ахборот манбалари ва уларнинг тавсифи таҳлил қилинади. Ҳозирги замонда ахборот манбалари жуда хилма-хилдир. Уларнинг ишончилиги ҳамда долзарблигини ўрганиш орқали ўқувчилар, талабалар ҳамда турли соҳа мутахассисларига, қолаверса, инсонларга олинган ахборот таъсири кўриб чиқилган. Шунингдек, айрим ахборот манбаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланган.*

Калит сўзлар: *босма нашрлар, электрон ахборот, медиа, оммавий ахборот воситалари, маълумотлар базаси.*

Сўнгги йилларда инсониятнинг ахборот олишга блган имкониятлари анча осонлашди. Бундан 15-20 йил аввал инсонлар ахборотни турли хил чоп этилган босма нашрлардан – китоблар, асосий тушунчалар ҳамда терминлар шарҳини берган энциклопедиялар, жорий кундаги воқеа ва янгиликларни ўз ичига олган газета ва журналлар, муайян илмий мавзулар бўйича илмий мақолалар ва диссертациялар каби қоғоз кўринишидаги ахборот манбаларидан олишар эди. Ҳозирги кунга келиб бундай босма нашрлардаги ахборот манбаларидан фақат илмий ишлар учун докторантлар, илмий ходимлар, баъзида эса талабаларгина фойдаланмоқдалар дейиш мумкин.

XX-асрнинг сўнгги йилларига келиб компьютерлар асри бошланди. Бу

эса инсонларнинг қабул қиладиган ёки тақдим этадиган ахборотлари шакллари янада қулайлаштира бошлади. Маълумотларни киритиш, излаш ва сақлаш, яъни электрон ахборот манбалари инсонлар ишини бирмунча енгиллаштирибгина қолмасдан, балки уларнинг тезкор ишлашлари, бир вақтнинг ўзида бир қанча вазифаларни бажаришлари мумкинлигини кўрсатиб бера олди.

2008 йилга келиб эса дунёнинг 1,5 млрд аҳолиси жаҳон интернет тармоғидан фойдалана бошлади. Энди эса турли хил электрон ахборот манбалари пайдо бўла бошлади. Бу ўз ўрнида инсонларнинг ахборот олишларига бўлган талабни жуда қулай ва тез усулда қондира олишига олиб келди. Интернет ва замонавий технологиялар ривожлана борган сари турли хил веб-сайтлар, электрон почталар, ижтимоий тармоқлар, хатто электрон китоблар каби ахборот манбалари ишлаб чиқиладиган бўшлади ҳамда улар тезкорлик билан одамлар орасида оммалашди. Эндиликда ахборот алмашилиш усуллари – инсонлар ўртасидаги коммуникация янада қулайлашиб кетди. Электрон ҳужжатлар алмашинуви, онлайн чатларда тезкор ёзишмалар, веб-камералар орқали видеокўнғироқлар, онлайн дарслар олиш имконияти каби масофавий тўсиқлар билан юз бериб келган муаммоларни бартараф эта олди [9].

1-жадвал

Илмий маълумотлар олиш учун ахборот манбалари:

Қоғоз кўринишидаги ахборот манбалари	Электрон кўринишидаги ахборот манбалари
Энциклопедия ва китоблар	Телевидение ва радио
Маълумотномалар	Ижтимоий тармоқлар
Турли хил машҳур ва махсус нашрлар	Веб-сайтлар
Газеталар ва илмий журналлар	Ахборот ташувчи қурилмалар
Монографиялар ва услубий қўлланмалар	Компьютер ва смартфонлар

Диссертациялар ва авторефератлар	Электрон китоблар ва ҳужжатлар
Ҳужжатлар ва архив фондлари	Маълумотлар ва миллий қонунчилик базалари

Бугунги кунда ҳар қандай ахборот манбалари бўлишидан қатъи назар, яратилган қулайликлардан қайси соҳада бўлмасин, унумли ва тўғри фойдаланиш жуда муҳимдир. Ахборот манбалари ҳар доим ҳам сифатли ва тўғри бўлавермаслигини унутмаслик лозим. Ишончли сайтлар билан нотўғри маълумотларга тўла бўлган хавфли сайтлар ёки тармоқларни ажрата билиш зарур ҳисобланади, чунки олинган ахборот инсонларга турли йўллар билан таъсир кўрсатади ва бу таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ахборотнинг таъсири унинг мазмуни, етказилиш усули, инсоннинг шахсий хусусиятлари ва ахборотни қабул қилиш контекстига боғлиқдир. Интернет тармоғидан зарур маълумотни излаётганда кўпинча сохта янгиликлар ёки реклама каби чалғитувчи маълумотлар чиқиб қолади. Бу маълумотлар ўз ўрнида бошқа сайтларга етакловчи бўлади. Ахборотдан фойдаланувчилар маълумотларнинг кўплигидан уларнинг тўғрилигини текширишларини қийинлаштириши мумкин.

Ахборотларнинг инсонларга салбий таъсир қиладиган жиҳатлари мавжуд. Булардан айримлари қуйидагилардан иборат:

ахборотнинг ҳаддан ташқари кўплиги (Information Overload). Кун давомида жуда кўп ахборотга дуч келиш инсонларда стресс, чалкашлик, қарор қабул қилишда қийинчилик ва диққатни жамлашнинг бузилишига олиб келиши мумкин;

нотўғри ва ёлғон ахборот (Misinformation and Disinformation). Сохта янгиликлар, манипуляция қилинган маълумотлар инсонларнинг нотўғри хулосалар чиқаришига, адашишига ва ҳатто катта суммадаги пулларини йўқотиб зарар кўришига сабаб бўлиши мумкин;

зўравонлик, фалокатлар, урушлар ҳақидаги салбий янгиликларга тўла бўлган контентларда жойлаштирилган видео кўринишидаги ахборотларни

доимий равишда кузатиб бориш натижасида инсонларда хавотирлик, қўрқув, тушкунлик ва умидсизлик каби салбий ҳиссиётларни келтириб чиқариши мумкин;

ижтимоий таққослаш ва инсоннинг ўзига бўлган баҳоси пасайиб кетиши, яъни ижтимоий тармоқларда бошқаларнинг “идеал” ҳаётини кўриш инсонларда ўзига нисбатан норозилик, ҳасад ва ўзининг турмуш тарзидан қониқмаслик кабиларга олиб келиши мумкин;

баъзи инсонлар доимий равишда янги ахборот қидиришга ўрганиб қолишади, бу эса уларнинг реал ҳаётдан узоқлашишига, диққатини жамлаш қобилиятининг пасайишига ва ахборотга қарамликни келтириб, қимматли вақтини беҳуда сарфлашига олиб келади.

Юқоридагилардан ташқари, ёшларнинг кибербуллинг, онлайн тотализатор ва бошқа онлайн таъқибларга тушиб қолишлари хавфи ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу эса ёшларни, айниқса содда болаларни ота-онасининг назоратсиз интернетдан фойдаланишлари оқибатида юзага келаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Тадқиқотларда маълум бўлишича, 2023 йилда интернет фойдаланувчиларининг 33 фоизи кибербуллинг қурбонига айланиб улгурган. 2024 йилда эса бу кўрсткич яна 15 фоизга ошган [6]. Бундай таъқиблар асосан ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг шахсий маълумотларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ёки уларнинг маълумотларини жойлаб сохта аккаунтлар яратиб уларнинг номидан турли хил зўравонлик, экстремизм, порногафия, агрессия ёки шу каби зарарли контентларга мойил бўлган маълумотларни тарқатиш каби кўринишларда юз беради. Бу каби хатарли муаммоларнинг негизида эса инсонларнинг рақамли саводхонликлари етарли эмаслиги, танқидий фикрлаш йўқлиги, интернетдаги ахборот манбаларидаги маълумотларни тўғри баҳолай олмасликлари ётади. Бироқ бу билан улар ҳукумат томонидан қўлланилган жазолардан озод бўла олмайдилар. Шу билан биргаликда шахсий маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаларган шахсларга ҳам қонунчиликда жавобгарликлар мавжуд. Хусусан, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари

тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида “Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди”, деб белгилаб қўйилган.

Ахборот инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, унинг таъсири жуда катта ва кўп қирралидир. Ахборотдан оқилона фойдаланиш, уни танқидий баҳолаш ва ҳаддан ташқари кўплигидан сақланиш инсонларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш, шунингдек, шахсий ва ижтимоий ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ахборот манбаларидан унумли фойдаланиш учун шуни унутмаслик керакки, у инсонларга нафақат ёрдамчи, балки ортиқча вақт сарфламасдан тезкорлик билан муҳим маълумотларга эга бўлишларида қўл келадиган бўлиши зарур. Юқорида ахборотнинг салбий таъсирлари ҳақида келтириб ўтилди. Энди ахборот манбаларининг инсонга ижобий таъсирларини ҳам айтиб ўтиш керак:

янги ахборотлар инсонларнинг билим доирасини кенгайтиради, дунёқарашини ўзгартиради ва турли ҳодисаларни тушунишга ёрдам беради, яъни билим ва тушунчанинг ошишига хизмат қилади;

тўғри ва долзарб ахборот инсонларга оқилона қарорлар қабул қилишга кўмаклашади, муаммоларни ечишда ёрдам беради;

маълумотлар базалари, қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар, ўқув материаллари, дарсликлар, қўлланмалар ва бошқа ахборот манбалари инсонларга янги кўникмаларни ўрганишга ва мавжуд қобилиятларини ривожлантиришга имкон яратиб беради;

умумий қизиқишлар ва ахборотлар асосида инсонлар ўртасида алоқалар ўрнатилади ва мустаҳкамланади;

шахсий ўсиш ва ўзини ривожлантиришга қаратилган ахборотлар инсонларнинг мотивациясини оширади, мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий таъминоти – ахборотни ҳимоялаш тизимида бажарилиши шарт бўлган қонунлаштирувчи далолатномалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қоидалар йўриқномалар, қўлланмалар мажмуи. Ҳозирда ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий таъминоти масаласи ҳам амалий, ҳам қонунчилик жиҳатидан фаол ўрганиб чиқилмоқда. Агар ахборотнинг ўғирланиши моддий ва маънавий бойликларнинг йўқотилиши билан боғлиқ бўлса, бу факт жиноят сифатида баҳоланади. Шунингдек, агар ушбу факт билан миллий хавфсизлик, муаллифлик манфаатлари боғлиқ бўлса, жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита кўзда тутилган. [1].

Ахборот манбалари ҳар доим ҳам ўз-ўзидан такомиллашиб ёки ишончли маълумотлар билан бойиб қолавермайди. Бу борада давлатимиз томонидан бир қатор қонунлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (439-II-сон, 12.12.2002 й.), “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент фармони (ПФ-6079-сон, 05.10.2020 й.), “Мамлакатимизда рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар экспортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-87-сон, 26.02.2024 й.), “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси” (ПҚ-358-сон, 14.10.2024 й.) шулар жумласидандир [8].

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг асосий вазифалари ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат [2].

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси иқтисодиёт тармоқлари,

ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади [3].

“Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 26.08.2021 йилдаги ПҚ-5234-сонли қарорда сунъий интеллект технологиялари асосидаги инновацион бизнес-моделлар, маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш усуллари ривожланиши учун қулай ва мақбул экотизим яратилди, уларни белгилаб берилган устувор тармоқлар ва соҳаларда тезкорлик билан жорий этилди ва амалиётга татбиқ этилди [5].

Янги Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва таъсирини, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор вазифа ҳисобланади. Интернет асри янги талаблар ва қоидаларни илгари сурмоқда. Ҳозирги кунда журналистика ва оммавий ахборот воситалари катта тажриба тўплай туриб, ахборот соҳасини ва ахборотдан фойдаланишни демократлаштириш учун бор куч-ғайратини сарфламоқда. Соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, реал ҳамкорликни йўлга қўйиш оммавий ахборот воситалари фаолиятининг муҳим вазифалари бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда ОАВ фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш учун қонунчилик базаси

тизимлаштирилмоқда [7].

Албатта, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирлар аҳолига ахборот манбаларидан фойдаланишга бир қатор қулайликар яратади деб умид қилиш мумкин. Шу билан биргаликда ахборот манбаларини янада такомиллиштириш бўйича қуйидаги таклифларни ҳам бериш мумкин:

мазмун сифатини ошириш мақсадида ахборот аниқ ва ишончли бўлиши, манбалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун фактларни текшириш жараёнини кучайтириш лозим. Ҳар бир маълумотнинг манбаи кўрсатилиши шарт;

муайян мавзу бўйича турли хил нуқтаи назарларни тақдим этиш, танқидий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради;

ахборотнинг долзарблигини сақлаш учун манбаларни мунтазам равишда янгилаб туриш, тил ва услубнинг соддалигини таъминлаш, яъни мураккаб мавзуларни ҳам кенг аудиторияга тушунарли қилиб етказиш учун содда ва рагон тилдан фойдаланиш лозим;

маълумотларни янада қизиқарли ва тушунарли қилиш учун инфографика, видео, расм ва бошқа визуал элементлардан фойдаланиш мумкин;

манбаларда керакли маълумотни тез ва осон топиш учун қулай ва самарали қидирув тизимини жорий этиш ҳамда фойдаланувчига манбаларнинг веб-сайтлари ва иловалари фойдаланиш учун қулай ва интуитив бўлиши керак. Ахборотга исталган вақтда ва жойда кириш имкониятини таъминлаш учун мобил иловалар ва мослашувчан дизайнни ишлаб чиқиш;

фойдаланувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига мос келадиган ахборотни тавсия қилиш тизимини жорий этиш, уларнинг савол бериш, фикр билдириш ва муҳокамаларда иштирок этиш имкониятларини яратиш;

турли хил ишончли ахборот манбаларини бир жойда жамлаган платформалар яратиш. Ахборот манбалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, контент алмашинуви ва тажриба улашиш;

аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш мақсадида ахборотни

танқидий баҳолаш ва фейк янгиликлардан ажратиб олиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган таълим дастурларини ташкил этиш.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, замонавий ахборот технологияларининг тобора ривожланиб бориши кундалик ҳаётимизда бир қатор қулайликлар яратиб келмоқда. Албатта ҳар қандай ахборотдан фойдаланишда инсонда билим ва кўникмалар бўлиши, ундан тўғри ва оқилона фойдаланиши, интернетдаги ахборот манбаларидаги маълумотларни тўғри баҳолай олиши, ахборотларни излаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тарқатишда ўрнатилган мезонларга амал қила билиши муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.Ғаниев, М.Каримов, К.Ташев. Ахборот хавфсизлиги дарслиги, 2008. 50-б.
2. “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 439-II-сон, 12.12.2002.
3. “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент фармони. ПФ-6079-сон, 05.10.2020.
4. “Мамлакатимизда рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар экспортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори. ПҚ-87-сон, 26.02.2024.
5. “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси”. ПҚ-358-сон, 14.10.2024.
6. “Известия” газетаси 31.05.2023.
7. <https://ijtimoiyfikr.uz/>
8. <https://lex.uz/>
9. <https://foxford.ru/>